

INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN: 2181-4163

IMPACT FACTOR: 8.2

The international scientific journal "Interpretation and researches" publishes the results of scientific research conducted by school teachers, university students, professors and teachers, and independent researchers in the form of scientific articles. This journal is indexed in authoritative databases and published in electronic form.

The international scientific journal has certificate No. 054841 of the Agency for the Development of Information and Mass Communications under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan. The journal accepts articles in the following areas: 1. Exact sciences 2. Natural sciences 3. Engineering sciences 4. Pedagogical sciences 5. Social and human sciences 6. Medical sciences. Note for authors of articles: articles are accepted in Uzbek, Russian, English, Karakalpak.

INTERPRETATION AND RESEARCHES

GOOGLE SCHOLAR ZENODO CYBERLENINKA OPEN AIRE

interpretationandresearches.uz



№18(64)
30.09.2025



International scientific journal
“INTERPRETATION AND RESEARCHES”

volume 1 issue 18(64)
30. 09. 2025



interpretationandresearches.uz

НАҚШБАНДШУНОСЛИК ЙЎЛИГА БОШЛАГАН УСТОЗ

Наврўзова Гулчехра Нигматовна

Бухоро техника университети “Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият”

кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори

premium.progress@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Болтаев Муҳаммад Назарович (16.10.1928 - 08.03.2009) ни мустақиллик даврида Нақшбандия тасаввуфий таълимотини асослаган Баҳоуддин Нақшбандни ўрганишга устозлик қилганликлари ёритилган.

Калит сўзлар: Болтаев М.Н, Ибн Сино, тасаввуф, нақшбандия, Сукрот, ҳадислар.

УЧИТЕЛЬ, УКАЗАВШИЙ ПУТЬ К ИЗУЧЕНИЮ НАКШБАНДИИ

Наврўзова Гулчехра Нигматовна

Профессор, доктор философских наук, кафедра «Социальных наук и

физической культуры» Бухарского технического университета Тел:

premium.progress@mail.ru

Аннотация: В статье рассказывается об учителе заслуженного деятеля науки Узбекистана, доктора философских наук, профессора Болтаева Мухаммада Назаровича (16.10.1928 - 08.03.2009) который в период независимости был наставником в изучении учени Бахауддина Накшбанди, основателя суфийского учения Накшбанди.

Ключевые слова: Болтаев М.Н, Ибн Сина, суфизм, Накшбанди, Сократ, хадисы.

**THE TEACHER WHO SHOWED THE PATH TO THE STUDY OF
NAQSHBANDI**

Navruzova Gulchekhra Nigmatovna

Professor, Doctor of Philosophy, Department of Social Sciences and Physical

Education, Bukhara Technical University Tel:

premium.progress@mail.ru

Abstract: This article explores the teachings of Honored Scientist of Uzbekistan, Doctor of Philosophy, and Professor Muhammad Nazarovich Boltayev (October 16, 1928 - March 8, 2009), who, during the period of independence, served as a mentor in the study of the teachings of Bahauddin Naqshband, the founder of the Naqshbandi Sufi movement.

Keywords: Boltayev M.N, Ibn Sina, Sufism, Naqshbandi, Socrates, hadith.

КИРИШ

Инсонни камолотида устознинг меҳри ва ибратининг ўрни каттадир. Устоз ақлу заковати, фаросати билан давр талабини англайди ва шогирдларига тўғри йўлни кўрсатади. Мустақиллик даврида фалсафа фанига ёндашувлар ўзгарди. Бу фаннинг методологияси такомиллашди. Забардаст файласуф олимлар давр талаби асосида шогирдларига илмий тадқиқотлар олиб бориш учун мавзулар танлашга ёрдам бердилар. Ҳақиқий олим тимсоли бўлган устозлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Болтаев Муҳаммад Назарович (16.10.1928 - 08.03.2009) ҳисобланадилар. Устоз тасаввуф фалсафаси ва унинг меъёрдаги йўллари билан бири Нақшбандия таълимоти аҳамиятини англаб биз шогирдларга буни ўрганишни тавсия бердилар. Натижада Ўзбекистонда фалсафа тарихида Нақшбандшунослик таълимоти ўрганиш бошланди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Болтаев М.Н энциклопедист олим Абу Али ибн Синони мустақиллик давригача ўрганганлар ва жуда машхур монографияларни нашр этганлар[3]. Мустақиллик даврида Ибн Сино таълимоти тадқиқ этишни давом эттириб, унинг янги қирраларини метафизик методология асосида ўргана бошладилар ва бу мавзуда қатор асарлари нашр этилди[6-8]. Шу даврда у киши Аҳмади Жом, Абдурахмон Жомий, Калободий, Абдухолик Ғиждувоний, Хожагон ва Нақшбандия таълимоти ўрганишга эътибор бера бошладилар[1,9,13]. Нақшбандия таълимоти асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш лозимлигини бизга тушунтирдилар. У кишининг суҳбатлари, баҳс- мунозара, манбаларни таҳлиliga таяниб бизлар бу йўлни ўрганишга аҳд қилдик[11-12,14].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

1990 йил 27 февралда фалсафа фанлари доктори, профессор Ахмедова Матбуа Амирсаидовна раҳбарлигида номзодлик диссертацияни ҳимоя қилдик ва ўша йил 25 июлда дипломни олишга муяссар бўлдик. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришди. Мустақиллик барча ижтимоий фанларни ўқитиш ва ўрганишга туб бурилиш ясади. Менда ҳам яна илмий изланишларни давом эттириш истаги туғилди. Асли Бухорои Шарифда

туғулиб камол топган М. Н. Болтаев яна Бухорога келиб Университетга ишлаётган эдилар. М. Н. Болтаев фаолиятларини доим ҳавас билан кузатар эдим. Устозни шогирдлари. Зевар Қосимова кафедрамизда ишлар эдилар ва у киши ҳақида жуда яхши фикр билдирар эдилар. Мен ҳам илмий ишни устознинг раҳбарлигида ва маслаҳатлари билан бошлашга ният қилдим.

Устоз билан биринчи учрашувда у киши фалсафа тарихидан илмий тадқиқот олиб боришда Фаридуддин Аттор, Жалолоддин Румий ёки Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларини ўрганишни тавсия бердилар. Мен Тошкентда номзодлик ишим устида тадқиқот олиб бораётганимда турли республикалардан бўлган олимлар билан учрашганман. Уларнинг кўпи Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия таълимотини ўрганиш кераклигини айтган эди. Шунинг учун мен Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия ҳаёт йўлини ўрганишга қарор қилдим. Устоз бу қароримдан жуда хурсанд бўлдилар ва ишни бошлаш лозимлигини айтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтига бориб, улар билан маслаҳатлашиб, илмий ишни бошладик. Аммо мен Баҳоуддин Нақшбандга оид мақомот ва маноқибларни таржима ва таҳлил этган бўлсам ҳам, олимлар бу манбалар етарли эмаслигини айтдилар. Мен устозим Болтаев М.Н билан маслаҳатлашганимда у киши шундай таъкидладилар: “Сукрот ҳам бирор асар ёзгани йўқ, аммо унинг айтганларини шогирди Афлотун ўз асарларида баён этган. Сиз ҳам Баҳоуддин Нақшбандни шогирдларини асарларини ўрганинг. Муҳаммад пайғамбар ҳам асар ёзмаганлар, лекин у киши айтган сўзлар ҳадис сифатида машҳур бўлиб, Имом Бухорийдек муҳаддислар уларни ўрганганлар. Сиз ҳам шунга эътибор беринг”. Устозни бу ўғитлари менга йўлчи юлдуз бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Муҳаммад Порсонинг “Рисолайи қудсия” асарини топиш насиб этди. Бу манбада Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид айтган сўзлари жамланган ва шарҳ этилган эди. Бу эса Нақшбандия таълимотининг борлиқ, инсон, ирфон каби тушунчаларни англашга ёрдам берар эди.

Илмий иш давомида Устоз ҳар кўрганларида мени фикрларимни аниқлаб, тузатиб ўтирар эдилар. У киши менга: “Олти томонга эътибор беринг”, деб айтдилар. Мен бу масалани жуда кўп ўйладим ва “Назар бар қадам” рашҳасини таҳлил асосида инсоннинг олти томони борлиги ва уларнинг моҳиятини англадим. Устозни ёрдамлари билан “Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси” мавзуида докторлик диссертациясини ёқладим. Кейин ҳам устоз бу илм бир уммон эканлиги ва уни ўрганиш зарурлигини таъкидлар эдилар ва бу мен учун вазифа бўлиб шу ишни умримни охиригача ўрганишга аҳд қилдим.

Устозим Болтаев М.Н тасаввуф ва нақшбандияни ўрганишга бошқа шогирдларига ҳам мавзулар бердилар ва фалсафа тарихини шу йўналишида ўзига хос Бухоро мактабини яратдилар. Болтаев М.Н раҳбарлигида Бухородан Хусейнова Абира “Абдурахмон Жомий дунёқарашидаги умуминсоний кадриятлар” мавзуида 1994-йил 23-сентябрда номзодлик илмий ишени мувафақиятли ҳимоя этган. Абдурахмон Жомий нақшбандиянинг Ҳирот жамоасининг пири ва муршиди эдилар. Муҳаммад Назарович Болтаев тарбиялаган иқтидорли шогирдлари Хусенова Абира ўз илмий фаолиятини ривожлантириб ўзига хос Бухоро фалсафа мактабини яратмоқдалар. Хусейнова Абира Амоновна, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили(Омбудсман)нинг Бухоро вилояти бўйича минтақавий Вакили “Дўстлик” ордени соҳиби даражасига улғайган.

Хусейнова Абира Амоновна 2010-йил 16-сентябрда докторлик диссертациясини: “Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаоллигини ошириш муаммолари”(ижтимоий-фалсафий таҳлил).09.00.11-Ижтимоий фалсафа йўналишида Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор Абдуллаева Маҳбуба Нуруллаевна илмий раҳбарлигида ҳимоя қилганлар.

Абира Амоновна раҳбарлигида 22 та илмий ишлар ҳимоя этилди. Улардан 5 (DSc) 17 (PhD). Ушбу илмий мактабда Хусенова А.А тўрт йўналишда: фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа, ижтимоий психология, этнопсихология йўналишларида бир қатор тадқиқотлар ҳам амалга ошироқда.

Устоз асослаган Бухоро тасаввуф мактаби бир ажойиб дарахт сифатида шаклланиб янги мустақкам шоҳаларни вужудга келтирди. Ана шундай устоз йўлини давом эттирган муносиб шогирдларидан яна бири Сафарова Нигора Олимовнадир.

2002 йили Нигора Сафарова М.Н Болтаев раҳбарлигида “Ҳожагон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлоқий кадриятлар масаласи” мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Илмий изланиши жараёнида Бухоро атрофида яшаб ижод этган Ҳожагонлар (Етти Пир)нинг ирфоний-фалсафий меъросини ўрганиб, “Ҳожагон тариқати”, “Ўздан кечиб ўзгаларга яхшилик қилиб яшаш” каби илмий рисола ва монографиясини нашр этган. 2011 йил Сафарова Нигора фалсафа фанлари доктори, профессор Раҳмонов Равшан Раҳмонович илмий маслаҳатчилигида “Терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий таҳлили” мавзуида фан докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олима томонидан 20 дан ортиқ Республика ва Халқаро илмий конференциялари ташкил этилди. Ушбу конференциялар тадқиқотчи, магистр

ва ёш олимларнинг илмий изланишларини жорий этиш, илмий мулоқот, ҳамда илмий ижодлари учун самарали имконият бўлиб келмоқда. Унинг илмий маслаҳатчилигида 5(DSc), илмий раҳбарлигида 20 та PhD диссертациялари ҳимоя қилинди жами 25 та тадқиқотчи ҳимоя қилган:

2019 йил 29-30 ноябрь кунлари Ҳиндистон Дели Университетида “Жаҳон маданий цивилизациясида Жалолиддин Румий меъроси” мавзусида халқаро илмий конференция маърузаси билан иштирок этди. Шунингдек, Дели Университети билан Илмий академик, ўқув-методик, маданий алоқалар ўрнатилди.

2019 йил Малайзия давлатининг Куала Лумпур шаҳридаги 1000 QS рейтингига кирган ISUM университетида таклиф этилди. Ушбу университетда академик мобиллик доирасида стажировка утади ва илмий академик мобиллик доирасида маъруза ўқиди. 2021 йилда Малайзиянинг Куала Пенангдаги 500 QS рейтингига кирган USM Университети ва НавДПИ билан имзоланган меморандум доирасида қўшма илмий раҳбарлик асосида илмий кадрлар (PhD) тайёрлаш, яъни фалсафа доктори PhD диссертацияларини ҳимояларини амалга ошириш буйича амалий дастурлар ишлаб чиқилди.

Муҳаммад Назаровичнинг иқтидорли шогирдларидан яна бири Бобир Каримовдир. У меҳнат фаолиятини 1996 йилда Бухоро давлат университетида кафедра лаборантидан бошлаган. “Социология ва маданиятшунослик” кафедраси ўқитувчиси (1997 й.), катта ўқитувчиси (2001 й.), доценти (2005 й.), кафедра мудири (2006) сифатида фаолият олиб борган. 2006 – 2009 йилларда Бухоро вилояти ҳокимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ёрдамчиси, 2009 – 2013 йилларда Республика Маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилояти бўлими раҳбари, 2013-2019 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали директори ўринбосари, 2019 йилда Бухоро давлат университети доценти, 2020 йил январдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти.

2004 йилда “Шаҳобиддин Амбақ Бухорийнинг ижтимоий қарашлари (социологик таҳлил)” мавзусида 22.00.01-социология тарихи, назарияси ва услубиёти йўналиши бўйича номзодлик диссертациясини фалсафа фанлари доктори, профессор Муҳаммад Назарович Болтаев раҳбарлигида ЎЗМУ ҳузуридаги Илимий кенгашда ҳимоя қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашда “Шахслараро меҳрлилик даражасини тизимли социологик ассессментлаш орқали оптималлаштириш” мавзусидаги 22.00.03 - Ижтимоий оғ ва ижтимоий жараёнлар социологияси ихтисослиги бўйича социология

фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертациясини 2021 йил 14 декабр куни ҳимоя қилган. Илмий маслаҳатчи Социология фанлари доктори, профессор Бекмуродов Мансур Бобомуродович.

2022 йил февраль ойидан мазкур Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси “Бошқарув социологияси ва психологияси” кафедраси доценти, социология фанлари доктори (DSc) сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бобир Каримов раҳбарлигида 4 (PhD) илмий иш ёқланди.

М. Н. Болтаев раҳбарлигида Шарипова Ойгул “Хўжа Абдухолик Ғиждувоний таълимотида ахлоқий қадриятлар” мавзуида 2002 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шарипова Ойгул ташаббуслари билан 2008-йили устознинг 80 йилликларига бағишлаб “Фалсафа ва тасаввуф” мавзуида Республика илмий-амалий семинари ташкил этилган ва унинг 373 бетлик тўплами нашр этилган. Тўпланинг биринчи боби “Профессор М. Н. Болтаевнинг фалсафий мактаби” деб номланган ва унда 12 та олимнинг мақолалари келтирилган. Шарипова Ойгул устоз ҳаёт йўллариغا бағишлаб илмий рисола ҳам нашр этган. Ҳозирги кунда Шарипова Ойгул Илмий изланишларни давом эттириб фалсафа фанлари доктори 2022 йил 23 ноябрда (DSc) даражасини олишга муяссар бўлдилар. Ҳозирги кунда Шарипова Ойгул раҳбарлигида 2 (PhD) ҳимоя қилинди.

Устоз вафотларидан кейин ҳам фалсафа тарихи йўналишидаги у киши раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борилди. Шогирдлари Намозов Бобир 2011-йил 12-май “Абу Бакр Калободий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари” мавзусида номзодлик ишини Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти қошидаги илмий кенгашда ёқлади. У илмий изланишларини давом эттириб 2021-йилда “Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг фалсафий асослари” мавзуида фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертациясини ҳимоя этди. Ҳозирги кунда Намозов Бобир Бух Ду “Тарих ва юриспруденсия” факултети декани, Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа” кафедраси профессори . У фаол илмий изланишлар олиб бормоқда. Унинг раҳбарлигида 7 (PhD) нафар шогирдлари илмий ишни ҳимоя қилган. Шунингдек Бобир Намозов 5 нафар докторантга, 1 нафар (DSc) 2 курс докторантга раҳбарлар.

Устоз М.Н. Болтаев асослаган нақшбандшунослик мактаби ҳозирги кунда ҳам фаол иш олиб бормоқда.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Болтаев Муҳаммад Назарович (16.10.1928 - 08.03.2009) мустақиллик даврида фалсафа тарихининг нақшбандшунослик соҳасига асос солдилар.

2. Болтаев М.Н раҳбарлигида нақшбандия таълимотининг асоси бўлган хожагон тариқати, унинг асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний, нақшбандия таълимоти, унинг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд мавзуларида илмий тадқиотлар олиб борилди ва қатор асарлар нашр этилди.

3. Болтаев М. Н раҳбарлигида фан доктори даражасини олган Хусейнова Абира, Сафарова Нигора, Намозов Бобир, Каримов Бобир, Шарипов Ойгуллар ўз мактаблариг эга бўлиб устозга муносиб шогирддирлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болтаев А.А. Ибн Сино Хожа Муҳаммад Порсо талқинида. https://www.naqshband.uz/makolalar/ibn_sino
2. Болтаев А, Раҳматов И. Олим билан Ориф учрашуви. / Абу Али ибн Сино ва ҳозирги замон. Республика илмий-амалий семинари материаллари. Бухоро: “Бухоро”, 2005.95-96-б.
3. Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. -Д.: Ирфон, 1965. -600 стр.
4. Болтаев М.Н, Икки мутафаккиру мутасаввиф - Абу Али Хусайн ибн Сино ва Шайх Абу Саид Абулхайр мулоқоти. / Абу Али ибн Сино ва ҳозирги замон. Республика илмий-амалий семинари материаллари. Бухоро: “Бухоро”, 2005.54-58-б.
5. Болтаев М. Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний - инсондўст хаким. рифъат шайх. -Б.: Бухоро, 1994.
6. Болтаев М.Н. Абу Али ибн Сина – великий мыслитель, ученый-энциклопедист. -Казань: Мастер лайн, 1999. - 400 стр.
7. Болтаев М.Н. Абу Али Хусайн ибн Синонинг фалсафий-ижтимоий таълимоти. -Б.: Бухоро, 2001.-Б.30.
8. Болтаев М.Н. Абу Али ибн Сина. -М.: Сампо, 2002. -396 стр.
9. Болтаев М.Н. Тасаввуф психологияси. -Б.: Бухоро, 2005. -Б.118.
10. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси: - Фал.фан.док.дис. – Тошкент, 2002. – В.269.
11. Наврўзова Г.Н. Бухоро тасаввуфшунослик мактабининг асосчиси // Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий мероси ва унинг илк Шарқ Ренессанси ҳамда ислом фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамияти: халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. -Бухоро: Бухорои шариф, 2022. - В.37-43.
12. Наврўзова Г.Н. Тасаввуфшунослик мактабини яратган олим // Ўзбекистонда фалсафа тарихи мактаби ва учинчи Ренессанс:халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент: ТашГУ, 2022. -В.47-50.

13. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). -Тошкент: Сано-стандарт, 2019. -В.49.
14. Наврўзова Г. Н., Рахматова Х. Муҳаммад Назарович Болтаев – инсоншунос олим // Фалсафанинг долзарб муаммолари:Республика илмий-назарий конференция тўплами. -Бухоро: Бухоро, 2014 й. -В.5.

1.	THE ROLE OF FOREIGN LANGUAGES IN THE 21ST CENTURY: GLOBALIZATION, EDUCATION AND UZBEKISTAN’S EXPERIENCE Anvarjonova Marjona Davronjon kizi Kholmurodova Madina Alisher kizi	4
2.	HOW HRV REVEALS MYOCARDIAL CHANGES IN CHRONIC HEART FAILURE Abdullox R.	8
3.	CHO’L TUPROQLARIGA IQLIM OMILLARINING TA’SIRINI O’RGANISHGA DOIR ADABIYOTLAR SHARXI Asqarova Dilafruz Abdusalomovna	12
4.	O’ZBEK VA FRANSUZ TILLARIDAGI SOMATIZM KOMPOONENTLI MAQOLLARNING LINGVOKULTUROLOGIK XUSUSIYATLARI Xudoyberganov Yodgor Iskandarovich Ho’jayeva Zulayxo Xolmatovna Nazarova Gulmira	16
5.	PARFYUMERIYA-KOSMETIKA MAHSULOTLARINI TASNIFLASH USULLARINI O’QITISHDA KEYS-STADY METODINI QO’LLASH Sh.K.Tashbayeva	21
6.	НАҚШБАНДШУНОСЛИК ЙЎЛИГА БОШЛАГАН УСТОЗ Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна	25
7.	СИМВОЛЫ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА Намазова Ш.А.	33
8.	ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РYTHON В БИОМЕДИЦИНСКОЙ ИНЖЕНЕРИИ Мусакаев Р.Р.	38